HAQSEVAR ONA YURT, MANGU BO`L OBOD!

# TOSHKENT HAQIQATI

VILOYAT IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETASI

2023-yil 6-may SHANBA № 32 (13591)

1928-yil 11-dekabrda asos solingan

@haqiqatonline Haqiqat online haqiqatonline_ QR-kod



Куни кеча Бўка туманининг “Бўстон” маҳалласидаги "Ёшлар истироҳат боғи"да Республика ишчи гуруҳининг оммавий сайёр қабули бўлиб ўтди.

Унда Президент Халқ қабулхонаси масъуллари, Олий суд раиси, Бош прокурор, Ички ишлар вазири ва Тошкент вилояти ҳокими иштирок этиб, мингдан зиёд аҳоли мурожаатлари ўрганилди.

**САЙЁР ҚАБУЛ**




# ҲЕЧ БИР МУРОЖААТ ЭЪТИБОРСИЗ ҚОЛМАДИ

Таъкидлаш жоизки, бу каби очиқ, жонли мулоқотлар “Инсон қадри учун!” ғоясини амалда қарор топтиришга хизмат қиляпти. Бу эса аҳоли муаммолари билан ишлашни самарали ташкил этиш, ҳудудларда ечимини кутаётган масалаларни “маҳаллабай” ўрганган ҳолда жойида, тезкор ҳал қилиш имконини бермоқда.

Қабул давомида Тошкент вилояти ҳокими Зойир Мирзаев ижтимоий ҳимоя, соғлиқни сақлаш, тадбиркорлик, оила, хотин-қизлар, меҳнат ва бандлик каби 20 дан зиёд йўналишлардаги 50 дан ортиқ мурожаатчилар билан суҳбатлашиб, қонуний тартибда ҳал қилишга кўмаклашди. Айрим фуқароларга шу ернинг ўзида зарур тавсияларини берди.

– Кўп йиллардан буён Қозоғистонда ишлар эдим, – дейди шу ҳудудда яшовчи Қудратилла Раҳмонов. – Маҳалламда новвойчилик қилишни режалаштирганман. Тадбиркорлигимни бошлаш учун бошланғич маблағ керак бўляпти. Вилоят ҳокими билан суҳбатда тижорат банкидан 36 миллион сўмгача имтиёзли кредит олишга йўлланма олдим. Банк ходимлари тавсияси билан энди янги ишни йўлга қўймоқчиман.

Бўкалик Хосият Махмарабоева автоҳалокат туфайли оғир тан жароҳати олган. Шифохонада ётиб даволанди. Аммо яна бир жарроҳлик амалиётини бошдан кечириши керак. Рўзғори катта. Боз устига айрим сабаблар билан 3 нафар набираси унинг қарамоғида қолган. Ночор аҳволдалигидан ёрдам сўраб келган. Кўз ёшларини тиёлмаётган аёлнинг даволаниши учун 10 миллион сўм ажратиладиган бўлди.

– Бўка туманининг "Шодлик" маҳалласидаги Ёшлик кўчасида яшайман, – дейди 75 ёшли Ўктамхон Даминова. – Кўчамиздаги симёғочларнинг аҳволи абгор ҳолатга келиб қолган. Шу масалада вилоят ҳокимига юзландим. Мурожаатим инобатга олинди. Қолаверса, менга ҳомийлик асосида сиҳатгоҳга йўлланма берилишини айтишди. Жуда хурсанд бўлдим.

Эътиборимизни пойтахтдан келган мурожаатчилар тортди. Ўзини тошкентлик деб таништирган Носир Юсуповнинг таъкидлашича, 2008 йилга қадар ички ишлар соҳасида ишлаган. Бироқ адолатсизлик туфайли судланган. 2022 йилнинг март ойида оқланган. Шу кунгача ишга жойлаша олмаётган экан. Ички ишлар вазири қабулида бўлган фуқаро қайта ишга тикланадиган бўлди. Қўчқор Курдошов ҳам ЖИЭБда ишлаган кезлари ноҳақлик туфайли ишидан айрилган. У 18 йилда адолат қарор топганидан мамнун.

(Давоми 2-саҳифада)

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

# РЕСПУБЛИКАНИНГ ТУРИЗМ САЛОҲИЯТИНИ ЖАДАЛ РИВОЖЛАНТИРИШ ҲАМДА МАҲАЛЛИЙ ВА ХОРИЖИЙ ТУРИСТЛАР СОНИНИ ЯНАДА ОШИРИШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Республиканинг туризм салоҳиятидан тўлиқ ва самарали фойдаланиш, биринчи навбатда транспорт-логистика ва туризм инфратузилмасидаги муаммоларни тезкор ҳал этиш, шунингдек, мавжуд ресурслар ва имкониятлардан ҳар томонлама фойдаланиш ҳисобига туризм соҳасида фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектлари учун қўшимча шароитлар яратиш мақсадида:

1. Қуйидагилар:

2023 йилда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида туризмни ривожлантиришнинг **мақсадли кўрсаткичлари 1-иловага** мувофиқ тасдиқлансин;

2023 йил баҳор-ёз мавсумида ҳаво ва темир йўллар орқали йўловчилар ташишнинг **мақсадли кўрсаткичлари 2а ва 2б-иловаларга** мувофиқ;

2023 йилда республика ҳудудидаги туризм ва маданий мерос объектларига олиб борувчи автомобиль йўлларини таъмирлаш ишларининг **манзилли рўйхати 3-иловага** мувофиқ;

2023 йилда туризм соҳасидаги ресурслар ва имкониятлардан ҳар томонлама фойдаланиш ҳамда мавжуд муаммоларни тезкор ҳал этиш бўйича **“йўл харитаси” 4а-иловага** мувофиқ;

2023 йилда туризм соҳасида ўтказиладиган **маданий-кўнгилочар тадбирлар бўйича “йўл харитаси” 4б-иловага** мувофиқ;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида туризмни ривожлантириш бўйича 2023 йилда **амалга ошириладиган чора-тадбирлар режалари 5а–5о-иловаларга** мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мамлакатнинг туризм соҳасини ривожлантириш бўйича республика ишчи гуруҳи (кейинги ўринларда – Республика ишчи гуруҳи) **6-иловага** мувофиқ таркибда ва ҳудудий ишчи гуруҳлар (кейинги ўринларда – Ҳудудий ишчи гуруҳлар) **7-иловага** мувофиқ намунавий таркибда ташкил этилсин.

3. Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, Маданият ва туризм вазирлиги, Транспорт вазирлиги, Ўзбекистон халқаро ислом академияси ҳамда республикадаги олий таълим ташкилотларининг ҳудудларнинг туризм салоҳиятини оширишга кўмаклашиш мақсадида олий таълим ташкилотларига тегишли ҳудудларни бириктириш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

4. Олий таълим ташкилотларига бириктирилган ҳудудлар рўйхати **8-иловага** мувофиқ тасдиқлансин ва ушбу олий таълим ташкилотларига ҳудуднинг туризм салоҳиятини ошириш бўйича қуйидаги вазифалар юклатилсин:

ҳудуднинг туризм салоҳиятини ўрганиш, ҳудуд ва унинг тарихи, туристик объектлари ва ўзига хос хусусиятлари тўғрисида турли тилларда контентлар яратиш, уларни тарғибот қилиш ҳамда турпакетлар яратишда ёрдам кўрсатиш;

назарий билим ва амалиётнинг уйғунлигини таъминлаган ҳолда профессор ва ўқитувчиларнинг изланишлари, талабаларнинг туризм соҳасидаги назарий билимларини амалиётда қўллаш имкониятларини кенгайтириш;

ҳудудлардаги аҳоли томонидан туризм хизматларини кўрсатиш сифатини яхшилаш ҳамда кадрларнинг малакасини оширишда кўмаклашиш.

5. Ўзбекистон Республикасининг хорижий мамлакатлардаги дипломатик ваколатхоналари томонидан 2023 йилда хорижий сайёҳларни Ўзбекистонга жалб қилиш бўйича режа-жадвал **9-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

(Давоми 2-саҳифада)

## КУН тасвири

**ЯНГИЙЎЛ шаҳар ҳокими Ф.Мирзаев Германия халқаро ҳамкорлик жамияти вакиллари билан учрашди. Унда таълим соҳасида ҳамкорликни кенгайтириш, техникумларда дуал таълим шаклида ўқитишни жорий этиш муҳокама қилинди.**



**ОҲАНГАРОН туманидаги 15-умумий ўрта таълим мактабида «Жаҳолатга қарши маърифат» мавзусида тарғибот тадбири ўтказилди. Унда иштирок этган масъуллар ўқувчи-ёшларга мавзу юзасидан мисоллар билан тушунчалар беришди.**



**ТОШКЕНТ тумани ҳокими О. Рустамов бир гуруҳ ёшлар билан учрашди. Тадбирда ёшларни қийнаб келаётган муаммоларга ечим изланди.**



**ПАРКЕНТ туманининг Красногорск қўрғонида Ички ишлар вазирлиги ташаббуси билан гала-концерт уюштирилди. "Ватанга, халққа садоқат билан хизмат қилиш олий бурчимиз!" шиорида ташкил этилган концертда ўнга яқин таниқли санъаткорлар томошабинларга кўтаринки кайфият улашишди.**

Шукуҳ

**Ҳар йили 9 май – Хотира ва қадрлаш куни юртимизда кенг нишонланади. Байрам арафасида Иккинчи жаҳон урушида халқимиз тинчлиги учун курашиб ҳалок бўлган жасур ва мард ўғлонлар хотираси ёд этилади, умргузаронлик қилаётганлари йўқланади.**






# ТИНЧЛИК – бебаҳо неъмат

Ижодий гуруҳимиз билан пискентлик Анорқул ота Ҳотамов хонадонида бўлдик. Бу йил 102 ёшни қаршилаган отахон ҳамон тетик ва бардамлар. Отахоннинг хонадонига нурафшонлик қуролдоши Раҳим ота Илёсов билан бирга бордик. Икки фронтдош дўстларнинг суҳбати қизигандан қизиди.

– 1942 йилнинг июнь ойида Беларусь ўрмонларида илк бор жангга кирдим, – дея хотирлайди Анорқул ота. – Эҳ, нимасини айтай, қанчадан қанча қуролдошларимизнинг жасади ўша ерларда қолиб кетди. Кечаси ёнингда бўлган сафдошингни эрталаб тирик кўрмаслик азоб эди. Беларусь, Украина, Болтиқ бўйи республикалари, Польша ва Чехословакиядаги жангларда қатнашдим.

Отахоннинг кўксига тақилган орден-медалларга разм солар эканмиз, ҳар бирининг ортида матонат ва жасорат борлигини англадик. Анорқул ота урушдаги жасорати туфайли 2-даражали “Улуғ Ватан уруши” ордени, шунингдек, “Берлинни забт этганлиги учун”, “Германия устидан қозонилган ғалаба учун”, “Жасорати учун”, “Жанговар хизматлари учун” каби ўнлаб медаллар билан тақдирланган.

– Урушнинг номи ўчсин, – дея суҳбатга қўшилди Раҳим ота Илёсов. – 17 ёшимда қўлимга қурол олдим. Минг афсуски, биз билан бирга кетган тенгдошларимнинг аксарияти биринчи жангдаёқ ҳалок бўлишди. Командиримизнинг: “Қаршингизда душман, окопга ётинглар”, деган гапини кўпчилик тушунмаган ўшанда.

Маълумотларга кўра, Тошкент вилоятидан Иккинчи жаҳон урушига жами 121 минг 969 нафар киши кетган. Уларнинг 22 минг 617 нафари жангларда ҳалок бўлган, 19 минг 367 нафари бедарак йўқолган.

1942 йилнинг кузида Тошкент вилояти аҳолиси фронтга 52 вагон озиқ-овқат маҳсулотлари жўнатган. Биргина Оққўрғон ва Янгийўл туманлари аҳолиси шахсий жамғармасидан 220 миллион сўмдан зиёд пулни ғалабани таъминлаш учун ташкил этилган махсус жамғарма ҳисобига ўтказиб беришган.

Уруш ўчоқларидан юборилган 3 минг 500 нафар бошпанасиз қолганлар ва 1 минг 700 нафар болалар вилоятимиздаги оилаларда қўним топишган.

**Нигора ЎРОЛОВА**
**/Тошкент ҳақиқати/**

Қарор ва ижро



# МАҲАЛЛАЛАР ОБОД, КЎНГИЛЛАР ШОД

2

# ОҚҚЎРҒОННИНГ оққўнгил фарзанди

**Ижодкор ҳар куни ҳам туғилавермайди. Яхши ижодкор хусусида эса бу фикрни икки марта ортиғи билан айтиш лозим. Ўзбекистон Ёзувчилар ва Журналистлар уюшмалари аъзоси, ажойиб инсон Абдулла Маъдиев ҳақида шундай дейиш мумкин.**

Адабий кеча

Кеча Оққўрғон туманида Абдулла Маъдиевнинг 75 ёшга тўлиши муносабати билан ижодий кеча бўлиб ўтди. Унда таниқли адиблар, шоир ва ёзувчилар, Оққўрғон тумани жамоатчилиги вакиллари, ижодкорнинг яқинлари ва шогирдлари қатнашдилар.

Абдулла Маъдиев меҳнат фаолиятини 1966 йил хўжалик бошқаруви котиблигидан бошлаган бўлса, бир неча йиллар мобайнида маҳаллий бошқарув тизимининг турли бўғинларида ишлаган. 1988 йилдан “Оққўрғон овози” газетасига ишга ўтиб, роппа-роса 35 йилдан буён таҳририятга раҳбарлик қилиб келмоқда.

Учрашувда сўзга чиққан Оққўрғон тумани ҳокими Алишер Каримжонов, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Тошкент вилояти бўлими раҳбари, Ўзбекистон халқ шоири Маҳмуд Тоир, Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси раиси Холмурод Салимов, Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси Тошкент вилояти бўлими раиси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси Раҳматилла Шералиев, тарих фанлари номзоди Шавкат Аббосов, Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги бўлим мудири Фатҳиддин Муҳиддинов, Тошкент вилояти Ахборот ва оммавий коммуникациялар бошқармаси бошлиғи Зарифа Эралиева, ижодкорлар Яҳё Тоға, Пардабой Эргашев, Абдураҳмон Пиримқулов, Ўрмон Собир, Гулистон Раҳимова ва бошқалар юбиляр ҳаёти ва фаолияти ҳақида сўз юритиб, А. Маъдиевга узоқ умр, сиҳат-саломатлик, ижодий қувват тилашди.




Ижодий байрамга қўшни республика ва вилоятлардан келган меҳмонлар ҳам Оққўрғоннинг фидойи фарзандига ўз эҳтиромларини билдирдилар.

*Бобуржон ТУНГАТОВ олган сурат*

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*ҚАРОРИ*

# РЕСПУБЛИКАНИНГ ТУРИЗМ САЛОҲИЯТИНИ ЖАДАЛ РИВОЖЛАНТИРИШ ҲАМДА МАҲАЛЛИЙ ВА ХОРИЖИЙ ТУРИСТЛАР СОНИНИ ЯНАДА ОШИРИШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

6. Қуйидагилар зиммасига:

а) **Республика ишчи гуруҳи** (А.Арипов, А. Абдухакимов)га:

мазкур қарор ва унга иловаларда белгиланган мақсадли кўрсаткичлар ва чора-тадбирларнинг бажарилишини **назорат қилиш** ҳамда бу борадаги ишларни **ҳар ойда камида бир маротаба** муҳокама қилиб бориш;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари, тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарларининг туризм соҳасида амалга оширилган ишлар бўйича ҳисоботларини эшитиш;

туризм соҳасида юзага келаётган муаммоларни тезкор бартараф этиш ва келгусида уларнинг олдини олиш, Маданият ва туризм вазирлиги ҳамда бошқа вазирлик ва идораларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш;

**ҳар чоракда** мамлакат туризм салоҳиятини ошириш бўйича ҳисоботни Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритиб бориш;

б) **Ҳудудий ишчи гуруҳлар**га:

Маданият ва туризм вазирлиги ҳудудий бўлинмаларининг жойларда туризм соҳасида яратилган шароитлар, маҳаллий ва хорижий туристларни жалб қилиш борасида амалга оширилган ишлар юзасидан **икки ҳафтада бир маротаба ахборотини тинглаш**;

жойларда туризм соҳасидаги мавжуд муаммоларни бирма-бир муҳокама қилиб бориш, туристик салоҳиятни ошириш борасида масъулларни белгилаган ҳолда чора-тадбирларни тасдиқлаш ва уларнинг ижросини ўз вақтида ва сифатли таъминлаш;

ҳудуднинг туристик салоҳиятини ошириш, маҳаллий ва хорижий туристлар сонини кўпайтириш бўйича таклифлар тайёрлаш;

в) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимларига – мазкур қарорга 1-иловада белгиланган туризмни ривожлантириш бўйича мақсадли кўрсаткичларга эришиш;

г) транспорт вазири И.Р.Махкамовга – мазкур қарорга 2а ва 2б-иловаларда белгиланган йўловчилар ташишнинг мақсадли кўрсаткичларига эришиш;

д) маданият ва туризм вазирининг биринчи ўринбосари У.А.Азамов ҳамда масъул вазирлик ва идоралар раҳбарларига – мазкур қарорга 4а ва 4б-иловаларда белгиланган тадбирларни ўз вақтида ва сифатли бажариш вазифалари **юклатилсин.**

7. Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Автомобиль йўллари қўмитаси Маданият ва туризм вазирлиги билан биргаликда 2023 йил Давлат бюджети параметрларида автомобиль йўлларини қуриш-таъмирлаш ишлари учун кўзда тутилган маблағлар доирасида мазкур қарорга 3-иловага мувофиқ тасдиқланган туризм ва маданий мерос объектларига олиб борувчи автомобиль йўлларини таъмирлаш ишлари амалга оширилишини таъминласин.

8. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги Транспорт вазирлиги билан биргаликда **икки ой муддатда** 2023 йил учун Давлат бюджетидан маҳаллий авиақатнов йўналишларини субсидиялаш учун **қўшимча 30 миллиард сўм** миқдорида маблағ ажратишни назарда тутувчи қонун лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

Белгилансинки, Транспорт вазирлиги Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан келишилган ҳолда рейсларни уларнинг бандлигидан келиб чиқиб субсидиялаш механизмларини аниқлайди.

9. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга кўра **2023 йил 1 майдан** бошлаб:

**2024 йил 1 июлга қадар** тажриба тариқасида туроператор хизматларини кўрсатувчи тадбиркорлик субъектларига улар томонидан 5 нафар ва ундан ортиқ норезидентларга хизматлар кўрсатишни назарда тутувчи турпакетлар (жойлаштириш, автомобиль ёки темир йўл транспорти, экскурсия ва овқатланиш бўйича хизматлар қамраб олинган) бўйича чет эллик ҳамкорларига тақдим этилган ҳисобварақ-фактурада кўрсатилган қўшилган қиймат солиғининг **20 фоиз** миқдоридаги маблағлар **республика бюджетидан субсидия сифатида** қайтарилади;

**2026 йил 1 майга қадар** маҳаллий туроператорлар, туризм соҳасида жойлаштириш хизматларини кўрсатувчи ёки автомобиль транспортида йўловчиларни ташиш билан шуғулланувчи тадбиркорлик субъектларига ўз фаолиятида йўловчиларни ташишда фойдаланиладиган ва ҳайдовчи билан бирга ўн ва ўндан ортиқ ўриндиққа эга бўлган ҳамда ишлаб чиқарилганига 5 йилдан ортиқ бўлмаган транспорт воситаларини (ТИФ ТН кодлари 8702 10, 8702 40, 8702 90) Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб киришда қўшилган қиймат солиғини фоизлар ҳисобланмаган ва уларнинг тўланишини таъминлаш талаб этилмаган ҳолда **12 ой муддатга бўлиб-бўлиб тўлаш ҳуқуқи** берилади.

Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Марказий банк, Маданият ва туризм вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ушбу бандда назарда тутилган тартибларнинг ўз вақтда жорий этилишини таъминласин.

10. Ўзбекистон Республикасининг туризм маҳсулотини хорижий туризм бозорларида тарғиб қилишга **2023 йилда 50 миллиард сўм** ажратилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Маданият ва туризм вазирлиги:

а) **бир ой муддатда:**

манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда музей ва театрларнинг дам олиш ва байрам кунларида, шунингдек, ташриф буюрувчилар учун қулай вақтларда ишлашини таъминлансин;

вазирликнинг ягона Call-марказида кўрсатилаётган хизматлар турларини кенгайтириш чораларини кўрсин;

б) **2023 йил 1 июнга қадар** Ўзбекистон Республикасининг миллий туризм маҳсулотлари ва хизматларини халқаро нуфузли туристик ва маркетинг платформаларида реклама қилиш харажатларини қоплаб бериш тартибини тасдиқласин.

Белгилансинки, ҳар йили Давлат бюджетидан Туризмни қўллаб-қувватлаш жамғармасига Ўзбекистон Республикасининг туризм маҳсулотини хорижий туризм бозорларида тарғиб қилиш учун ажратиладиган маблағлар Маданият ва туризм вазирлиги ҳузуридаги “Миллий PR-маркази” ДУКга белгиланган вазифаларни амалга ошириш учун ўтказиб берилади.

11. Транспорт вазирлиги:

а) **бир ҳафта муддатда** “Самарқанд” халқаро аэропортида жорий этилган “Очиқ осмон” режими доирасида хорижий авиакомпаниялар учун рейслар ва йўналишларга бўлган чекловларни олиб ташласин ҳамда “бешинчи ҳаво эркинлиги”ни қўлласин, шунингдек, хорижий давлатларнинг авиация маъмуриятлари, чет эл авиаташувчиларини бу ҳақда белгиланган тартибда хабардор қилсин;

б) **2023 йил 1 майдан** “Uzbekistan Airports” АЖ билан биргаликда:

Фарғона, Наманган ёки Андижондан Бухоро, Самарқанд, Термиз, Урганчга, шунингдек, Термиз – Нукус, Самарқанд – Урганч, Бухоро – Урганч, Фарғона – Урганч каби йўналишлар бўйича мунтазам авиарейсларни йўлга қўйсин;

Тошкентдан Нукус, Урганч, Бухоро, Қарши ва Самарқандга авиақатновларни йўлга қўйиб, амалдагидан икки бараваргача арзон тарифларни жорий этсин;

в) янги ташкил этилган резидент авиакомпанияларга **хорижий йўналишларда парвозларни амалга ошириш учун квоталарнинг ажратилишини** таъминласин;

г) **бир ой муддатда** Ташқи ишлар вазирлиги билан биргаликда ушбу қарордан келиб чиқиб, халқаро шартномаларга янги ташкил этилган резидент авиакомпанияларга хорижий ва халқаро йўналишларда парвозларни амалга ошириш учун квоталар ажратиш бўйича ўзгартиришлар киритиш ҳамда парвозларни амалга оширишга рухсат бериш чораларини кўрсин;

д) **2023 йил 1 октябрга қадар** Урганч ва Бухоро аэропортларининг ҳар бири бўйича давлат-хусусий шериклик шартлари асосида модернизация қилиш ва бошқарувга бериш бўйича алоҳида танловлар эълон қилсин;

е) **2023 йил якунига қадар** Наманган аэропортини давлат-хусусий шериклик шартлари асосида модернизация қилиш ва бошқарувга бериш бўйича лойиҳа концепциясини ва техник-иқтисодий асосларини ишлаб чиқсин.

12. Маданият ва туризм вазирлиги Самарқанд вилояти ҳокимлиги, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги билан биргаликда **2023 йил 1 сентябрга** қадар ЮНВТО шафелигида Халқаро туризм академияси Самарқанд кампусини яратиш мақсадида “Ипак йўли” туризм ва маданий мерос халқаро университетига қарашли Самарқанд шаҳри, Бобур Мирзо кўчаси, 3а-уй манзилида жойлашган бино ва иншоотларнинг капитал реконструкция қилиниши ва тўлиқ жиҳозланишини ҳамда унга туташ ҳудуднинг ободонлаштирилишини таъминласин.

Иқтисодиёт ва молия вазирлиги **бир ой муддатда** ушбу банднинг биринчи хатбошисида белгиланган ишларни амалга ошириш учун зарур маблағ ажратилишини таъминласин.

13. Ички ишлар вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ва Транспорт вазирлиги бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда **2023 йил 1 майдан бошлаб** йўл ҳаракати хавфсизлиги қоидаларига риоя қилган ҳолда:

Қамчиқ довони орқали йўловчиларни ташишда фойдаланиладиган ва ҳайдовчидан ташқари ўн тўрттагача ўриндиққа эга бўлган М2 тоифадаги транспорт воситаларига;

Жиззах вилоятидаги довонлар ҳамда Бўстонлиқ туманининг тоғли ҳудудларида тегишли тоифадаги йўллар орқали туристик автобус ва микроавтобусларга мунтазам қатновларни амалга оширишга рухсат берилишини таъминласин.

Бунда, фақат **1 апрелдан 1 ноябрга қадар бўлган даврда кундузи,** ишлаб чиқарилганига 3 йилдан ошмаган ва газ баллон ускуналари ўрнатилмаган, секинлаштирувчи ускунаси (тоғ тормози) мавжуд бўлган ҳамда ҳаракатни кузатиш навигация қурилмаси ва тахограф ўрнатилган транспорт воситаларида камида 7 йил стажи бор ҳайдовчиларга автомобиль транспортида йўловчиларни ташиш фаолияти учун лицензия мавжуд бўлган тақдирда қатновни амалга оширишга рухсат берилади.

14. Марказий банк Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Маданият ва туризм вазирлиги ҳамда Транспорт вазирлиги билан биргаликда:

2023 йил Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастури доирасида ажратилаётган маблағлар ҳисобидан йўловчиларни ташишда фойдаланиладиган ва ҳайдовчидан ташқари саккиз ва ундан ортиқ ўриндиққа эга бўлган транспорт воситаларини харид қилиш **учун 300 миллион сўмгача** миқдордаги лойиҳаларни молиялаштиришга йўналтирилишини таъминласин;

туризм соҳасининг субъектларига айланма маблағлар ва инвестицияни кўпайтириш учун қўшимча **300 миллиард сўмлик** кредит линияларини очишни таъминласин;

маблағлар жойлаштирилган тижорат банклари ҳақидаги маълумотларни оммавий ахборот воситаларида эълон қилиб борсин.

Бунда, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги **икки ҳафта муддатда** мазкур банднинг учинчи хатбошисида кўрсатилган кредитлар бўйича фоизларнинг бир қисмини Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси ҳисобидан қоплаб бериш тартибини жорий қилишни таъминласин.

15. Маданият ва туризм вазирлигининг ногиронлиги бўлган шахслар учун республика бўйлаб саёҳатлар ташкил этиш мақсадида **“Саёҳат барча учун!” лойиҳаси**ни амалга ошириш бўйича таклифи маъқуллансин.

Маданият ва туризм вазирлиги мазкур лойиҳа доирасида **500 нафар ногиронлиги бўлган шахслар саёҳатини** ташкил қилсин ҳамда дастлабки босқичда Хоразм, Бухоро ва Самарқанд вилоятларида **100 нафар сурдо-гидларни тайёрлаш бўйича дастурни** ишлаб чиқсин.

Бунда, ушбу лойиҳа билан боғлиқ харажатлар Маданият ва туризм вазирлиги ҳузуридаги Туризмни қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан қопланади.

16. Маданият ва туризм вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда **икки ой муддатда** қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

17. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Ж.А.Ходжаев белгилансин.

Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2023 йил 26 апрель

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

# ҲЕЧ БИР МУРОЖААТ ЭЪТИБОРСИЗ ҚОЛМАДИ



(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

Фурсат топиб, микрофонимизни ИИВ вазирига тутдик.

– Бугунги сайёр қабулда аҳолидан жуда кўп мурожаатлар келиб тушяпти, – дейди ИИБ вазири, генерал Пўлат Бобожонов. – Тегишли мутахассислар билан уларни ўрганиб чиқдик. Мурожаатларнинг аксарияти маиший муаммолар, ўзаро келишмовчилик оқибатида юзага келган ҳуқуқбузарликлар, ишга тиклаш масалаларида бўлди. Имкон қадар ҳар бир фуқарони тинглаб, қонун асосида уларга ечим изланди. Мурожаатларнинг кўпи жойида ҳал этилиб, айримлари тегишли топшириқлар асосида ўрганишга юборилди. Бу каби сайёр қабуллар мунтазам давом этади.

Шунингдек, қабул доирасида “Сайёр суд” ҳам ташкил этилди. Унда Бўка туманидаги 43-сонли манзилли колонияда ўз жазосини ўтаётган 11 нафар маҳкум шартли равишда озодликка чиқарилди.

– Айни пайтда 43-сонли манзилли колонияда ўз жазо муддатимни ўтаяпман, – дейди Шоҳруҳ Тўрабоев. – Очиғи, бугун сайёр қабулга келганимиз кутилмаган ҳол бўлди. Бу ерда озод этилган 11 нафар маҳкум қаторида мен ҳам борман. Шу тобда қувончдан юрагим ҳаприқиб кетяпти. Энди оилам бағрига қайтаман. Бугун кўпчилик орасида бўлиб ўтган судда яна бир бор қилган ишимдан қаттиқ пушаймон бўлдим. Бундан буёғига қайта хатога йўл қўймаслигим кераклигини тушуниб етдим.

Бу галги оммавий қабул 10 соатдан зиёд давом этди. Унда 735 та масаланинг 242 таси жойида ҳал этилди, 227 нафар мурожаатчига ҳуқуқий маслаҳат ва тушунтириш берилиб, 266 та мурожаат назоратга олинди.

Мурожаатлар асосида вилоят ҳокимлиги маҳаллий бюджетидан бўкалик оғир ижтимоий аҳволдаги оилалар муаммоларини ҳал қилиш учун 721 млн. сўм маблағ ажратилди. Жумладан, 7 нафар фуқарога даволаниш учун сиҳатгоҳларга йўлланма, 5 нафар фуқарога ногиронлик аравачаси, 2 нафар фуқарога ноутбук, 2 нафарига тикув машинаси берилди.

**Ўз мухбиримиз**
*Жалолиддин ЭСОНОВ олган суратлар*

Қарор ва ижро

**Президентимизнинг 2022 йил 25 октябрдаги “2022-2023 йилларда маҳаллалар инфратузилмасини янада яхшилаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори бўйича Тошкент туманининг барча маҳаллаларида ободонлаштириш, бунёдкорликлар амалга оширилмоқда, кўплаб тизимли масалалар ҳал бўляпти.**

# МАҲАЛЛАЛАР ОБОД, КЎНГИЛЛАР ШОД








Яқинда туманда Республика ишчи гуруҳи аҳоли муаммоларини ўрганиш, иқтисодий-ижтимоий аҳволи оғир маҳаллаларда тизимли масалаларни ҳал қилиш бўйича фаолият олиб борди. Бу жараёнда йўллар таъмири, электр энергияси, ичимлик суви таъминоти каби аҳолининг энг бирламчи ҳаётий эҳтиёжлари билан боғлиқ мурожаатлар жойига чиқиб ўрганилди, дастурлар ижроси жадаллаштирилди.

Шунга кўра, аниқланган муаммоларни ҳал этиш мақсадида аниқ молиялаштириш манбалари, ижро муддатлари ва масъул ижрочилар белгиланган ҳолда “Йўл харитаси” ишлаб чиқилди.

Хусусан, туманнинг 10 та маҳалласида 19,6 км. ичимлик суви тармоғи тортиш, 3 та маҳаллада 8,8 км. оқова сув тармоғини ётқизиш ишлари жадаллик билан ҳал қилинмоқда. Жумладан, “Чиғатой” маҳалласида яшовчи аҳоли бир неча йиллардан буён ҳудудга канализация тармоғи ётқизишни сўраб Президентнинг Виртуал ва Халқ қабулхоналарига мурожаат қилиб келган. Мазкур мурожаатларга асосан ҳозирда, “Grand ankk service” МЧЖ томонидан маҳаллага дастур доирасида жами 4,7 млрд. сўмлик 6,5 км. масофада канализация тармоғи ётқизилмоқда.

Шунингдек, Халқ қабулхонаси, секторлар ва маҳалла институтининг ўзаро уйғун ишлаши натижасида “Ҳар бир оила – тадбиркор” дастури доирасида 20 нафар мурожаатчига 373 млн. сўм имтиёзли кредитлар ажратилди, 180 нафардан зиёд ишсиз инсонлар бандлигини таъминлашга кўмаклашилди.

Умуман, мамлакатимизда ҳал қилинаётган ҳар бир тизимли масала замирида минглаб инсонлар ҳаётидаги ўзгаришлар, уларнинг ҳаётдан розилиги мужассам. Бу эса давлатимиз раҳбари асос солган халқ билан мулоқот тизими аслида ҳам халқ қалбидан бошланган тараққиёт магистрали эканига яна бир ҳаётий исботдир.

**Ниғмат МУҲАМЕДОВ,**
**Тошкент тумани Халқ қабулхонаси мудири**

## “Тошкент ҳақиқати” йўқлови

# Темур Убайдулло кирган давралар...

**Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист, таниқли шоир Темур УБАЙДУЛЛО кўп йиллар таҳририятимизда адабиёт ва санъат бўлимига етакчилик қилган. Темур ака ишлаган кезлар кўплаб адабиёт, маданият намояндалари, машҳур санъаткорлар билан суҳбатлар, улар ижоди ҳақида туркум мақолалар пешма-пеш эълон қилинганини кўп йиллик газетхонларимиз яхши эслашади.**



**Бешафқат ўлим яқинда устоз Темур Убайдуллони орамиздан олиб кетди. Темур акадан кўпдан-кўп нурли хотиралар, бири-биридан гўзал шеъру достонлар, салмоқли публицистик асарлар, муносиб шогирдлар қолди. Хотира ва қадрлаш куни арафасида таҳририятимиз фахрийларидан бўлиб келган марҳум ижодкор устозимизни хотирлаб, шогирдларидан бирининг эсдаликларини муштарийларимизга тортиқ этмоқдамиз.**

Бундан салкам қирқ йил бурун, чамаси август ойларида "Гулхан" журнали катта муҳаррири, устозим Темур Убайдуллонинг шундоқ бетонкадан Келесга бурилишда жойлашган ҳовлисида ўтган тантанада иштирок этганмиз. Ўшанда Темур ака Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси бўлган отасининг 70 йиллик юбилейига қўшиб, ўғилларига суннат тўйи қилганди. Темур ака ўша тадбирда каминани бошқа бир шогирди, чамаси 17-18 ёшлардаги Неьмат Душаев билан таништирдилар:

– Иккингиз ҳам шогирдимсиз. Энди ака-ука бўлинглар!

Неъматжон Тошкент Маданият институтига ҳужжат топширган экан. Мен биринчи курсни сиртдан тамомлагандим. Шу-шу Неъмат билан қадрдонлашиб кетдик.

Темур Убайдулло "Гулхан"да уч бош муҳаррир — Худойберди Тўхтабоев, Абдулла Орипов, Ойдин Ҳожиева раҳбарлигида ишлаган. Худойберди ака даврида ёзувчи Ўткир Ҳошимов сўзбошиси билан икки марта журналда шеърим босилган. Ўшанда 9-синф ўқувчиси эдим. Аниқроғи, 1977 йил ёзида отам келажакда ўқийдиган жойларингни кўриб келайлик, дея Ленинободдан Тошкентга олиб келган. ТошДУ (ҳозирги Миллий университет)ни зиёрат қилганмиз ва қайтишда ота-бола "Гулхан" таҳририятига кирганмиз. Темур ака анча кўнглимни кўтариб, шеърларимни олиб қолган.

1982 йили армиядан қайтганимдан кейин, Темур ака: “Бир қишлоғингга борсак”, деб қолди. Отамга айтдим. “Майли, келишсин, кутиб оламиз”, дейишди уйдагилар. Бу “ташриф маросими”га колхоз, қишлоқ кенгаши, мактаб маъмурияти ҳам жалб қилинди. Тошкентдай олис ва мўътабар жойдан қишлоғимизга ҳамиша ҳам катта ёзувчилар келавермайди-ку, ахир.

Дарвоқе, бир йил бурун, яъни мен Мўғилистонда ҳарбий хизматдалигимда онам вафот этган, шу сабабли ўн кунлик таътилга келганимда, янги ташкил этилаётган "Ёшлик" журналига ҳарбийда ёзган шеърларимдан ташлаб кетгандим. Журналнинг 1982 йилдаги 2-сонида аскарча расмим ва шоира Гулчеҳра Жўраеванинг “оқ йўл”и билан уларнинг бештаси эълон қилинганди.

Оилада саксон ёшли отам иккимиз сўққабош яшардик. Уйлар полсиз, заҳкаш тупроғи кўпчиб ётган, чой-овқат қора ўчоқда.

Ноябрнинг ёмғирли шанбасида Темур Убайдулло филология фанлари доктори, халқ эртаклари билимдони, фольклоршунос Малик Муродов, ўша пайтларнинг анча машҳур фантаст адиби Ҳожиакбар Шайхов, шоир Шавкат Туроб билан Тошкентдаги ЦУМда сотувчи бўлиб ишлайдиган бир укахонининг яшил "Жигули"сида келиб қолишди. Дарров қўй сўйдик. Тошкентликлар билан суҳбатга ишқибозлар кўп, уйимизга одам сиғмай кетган...

Ҳожиакбар ака ташқарига чиққанида, нам йўлакда тойғониб кетиб, яхшигина йиқилиб берган. Кўм-кўк жинси шими лой бўлиб, бошқа уйдаги сандалга солинган чўғда ўзини тоблаганча, ухлаб қолган. Бу орада мактабнинг залида адиблар билан учрашув учун ўқувчиларни тўплашмоқда экан. Бир оздан сўнг ўша ерда катта учрашув бўлган. Бу тадбирлар олдиндан режаланмаган, ўз-ўзидан пайдо бўлаётганди. Адабиёт халқлар дўстлигини мустаҳкамловчи ришта экани шу-да.

Буни қарангки, шу оқшом катта опам тўнғичига келин тушираётганди. Поччам бир сўрини банд қилиб қўйганини айтиб, меҳмонларни тўйга таклиф этди.

Кечга ёмғир тинган, чодир тутилган ҳовлида тўй олови гуриллаган.

Тўйда меҳмонларнинг бари табрикка чиқди. Охирида менга шеър ўқитишди. Уйимиздаги қўйларга бағишланган шеър шундай тугаганди:

*Мен қўйларга боқиб турганча,*
*Ширингина сураман ўйлар:*
*Қачон қутуламан булардан,*
*Қачон бўлар бизларга тўйлар...*

Шоир Темур ака микрофонга луқма ташлади: "Ташвишланма, қўйларингни камайтиришда ўзимиз қарашворамиз, укам!"

> ***Шоир Темур ака микрофонга луқма ташлади: "Ташвишланма, қўйларингни камайтиришда ўзимиз қарашворамиз, укам!"***

1983 йил Малик Муродов домла ўзи ишлайдиган Маданият институтига ҳужжат топширишимни маслаҳат бергач, мазкур олийгоҳнинг сиртқи бўлими талабасига айландим. Малик ака мудир бўлган “Болалар адабиёти” кафедрасига кўп кирардим, қўшработлик домла, доцент Сайид Алимов билан ака-укадай бўлиб кетгандик.

Малик Муродовичнинг "Қозоғистон" кинотеатри ортидаги тўққиз қаватли уйдаги квартирасига кўп борардим. Негаки, тўққиз қаватли уй ортидаги кичик томорқалардан бири Малик аканики бўлиб, ўша пайтлари шахсан каминанинг тасарруфида эди. Бирорта курсдошимни, ёки Неъмат Душаевни эргаштириб борардим. Ер чопиш, дарахтларни буташ, қишлоқдан олиб келган турли мевали дарахтларни экиш, дегандай...

Шу бир парча ерга ҳар хил кўчатларни қалаштириб экиб ташлагандикки, худо кўрсатмасин, уларнинг бари тутиб кетиб, ҳар тарафга шох отса, бу парча ер нақ Амриқо чангалзорларига айланиши турган гап эди.



> ***Темур ака ўзига хос нотиқ, ажойиб сўз устаси эди. Кирган даврасида, сўз олган ерида ҳамиша улоқни олиб кетганига кўп гувоҳ бўлганмиз.***

Устозим Темур Убайдуллонинг “Қўйларингни камайтиришда қарашворамиз” деган гапига фаришталар омин деган эканми, уларнинг аксари меҳмондорчиликлар учун “қурбон” қилинди. Тез орада раис жўнатган усталар уйимизга пол қоқиб беришди.

Колхоз раисимизнинг исми ҳам Темирали бўлганидан, адашлар тез-тез учрашадиган бўлиб қолишди ва ўтиришларга мени ҳам чақириб олишарди.

Мен уйланган 1984 йилда Темур ака бошчилигида келган тошкентлик меҳмонлар тўйга роса файз киритишган. Ўша пайтлари даврада қизиқчилик қилиш камёб ҳодиса эди. Битта Муҳиддин Дарвешов борлигини билардик. Яна Шерқўзи Ғозиев. Ҳожибою Обидлар уч-тўрт йилдан кейин чиқишди ва бу жанр шундан кейин оммалаша бошлади.

Тўйимизда Темур Убайдулло давра жиловини қўлга олганча анчагина латифалар ижро этиб, меҳмонларни кулдирганини ҳали-ҳануз кўпчилик энтикиб эслайди. Темур ака ўзига хос нотиқ, ажойиб сўз устаси эди. Кирган даврасида, сўз олган ерида ҳамиша улоқни олиб кетганига кўп гувоҳ бўлганмиз.

Бизнинг тўйдан беш-олти ойлар ўтиб, Темур Убайдулло юқорида айтганим – ўғиллари учун суннат тўйига таклиф этиш учун келиб-кетди. Раисимиз бизга колхоз автобусини ажратиб берди. Касаба қўмита раиси бошчилигида қишлоғимиздан бир автобус бўлиб, Темур ака чизиб берган Тошкент бетонка-ҳалқа йўли бўйлаб етиб борганмиз.

Ҳовлининг этак томонидан ўша пайтлари машҳур бўлган ойнаванд лимонзорлар бошланарди. Шу жойда кечқурун сабзи тўғрар маросими, эртаси куни наҳорда ош бўлди. Ҳовлини тўлдириб жой қилдик. Юзлаб меҳмонлар йиғилди.

Эрта тонгда тўйга бизнинг қадрдон “Гулхан” журналимиз бош муҳаррири, ўша кезларда “мега юлдуз” шоирга айланган Абдулла Орипов хизмат машинаси – қаймоқранг “Волга”да рассом Мирвосил Одилов билан етиб келишди. Темур аканинг онаси шоирнинг елкасига тўн ташлади.

Биз Неъмат Душаев билан афсонавий шоирга қўл етгулик масофада оғзимиз очилганча турардик...

**Оллоёр БЕГАЛИЕВ,**
**Ёзувчилар уюшмаси аъзоси**

---

Давра суҳбати

# ЭНЕРГИЯ ТЕЖАМКОРЛИК ДАВР ТАЛАБИ

**Сўнгги йилларда дунёнинг кўплаб давлатларида электр энергияси тақчиллиги кузатилмоқда. Бундай вазият мамлакатимизда ҳам кузатилаётгани сир эмас.**

Давлатимиз раҳбари томонидан аҳолини электр энергияси билан узлуксиз таъминлаш баробарида манбадан самарали ва тежамкорлик билан фойдаланиш чора-тадбирлари белгиланаётгани бежиз эмас. Йилдан-йилга табиий ресурсларнинг камайиб бориши ва электр энергиясига бўлган талабнинг ортиши сабабли унинг самарадорлиги ва тежамкорлиги ҳам ўта муҳим вазифага айланди.

Маълумки, Ўзбекистон Республикасининг 2030 йилгача “яшил” иқтисодиётга ўтиш ва “яшил” ўсишни таъминлаш бўйича ҳаракатлар режасига асосан айнан энергетика соҳасида фаолият олиб борадиган корхоналарда бажарилиши лозим бўлган кўплаб вазифалар белгиланган эди. Бу борада "Ўзбекэнерготаъмир" АЖда кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Куни кеча Қибрай туманида жойлашган акциядорлик жамиятида Тошкент давлат аграр университетининг профессор-ўқитувчилари ҳамда талабалари учун “Энергия тежамкорликни ошириш” мавзусида давра суҳбати ташкил этилди.

Тадбирда сўзга чиққанлар мавзуга доир фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

– Айни пайтда корхонамиз "Иссиқлик электр станциялари" АЖ таркибига кирувчи, шунингдек, "MAXAM CHIRCHIQ" АЖ, "Ўзметкомбинат" АЖ, "Олмалиқ кон-металлургия комбинати" АЖ каби тизимдан ташқари ташкилотлар билан иш олиб бормоқда, – дейди "Ўзбекэнерготаъмир" АЖ бош директори в.б. И. Ражабов. – Шунингдек, муҳандис-техник ходимлар бошчилигида юқори малакали чилангарлар ва электр пайвандчиларнинг кўчма мобиль гуруҳи ташкил этилган. Мутахассисларимиз ишлаб чиқариш, ташкилий ва механизациялаш лойиҳалари бўйича ишлаш учун объектларга чиқишади. Бугунги тадбирда талабалар амалга оширилаётган ишлар билан яқиндан танишишади.

Бундан ташқари, жамиятга қарашли “Ўқув маркази” томонидан “Назорат ўлчов асбоблари ва автоматика бўйича электр-чилангар” йўналишида ташкил этилган ўқув курсига ҳудудий участкалардан жалб қилинган ишчи-ходимлар талабаларни қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб беришди.

– Электрда пайвандлашга қизиқаман, – дейди аграр университетнинг 1-босқич талабаси Анвар Тешаев. – Бу ерда биз ишлаб чиқариш участкаси, цех ҳамда лабораторияда электр пайвандлаш ишлари билан яқиндан танишдик. Бу ҳунарни ҳам ўрганиб қўйсам келгусида, албатта, керак бўлади.

Давра суҳбати якунида “Ўқув маркази” бошлиғи С. Умаров бу каби мулоқотлар давом этиши, шунингдек, энергетика соҳасига оид бошқа мавзулар юзасидан ўқув-семинарлар ташкил қилинишини билдирди.

**Нигора ЭРКИНБОЕВА**

---

Яшил макон

# КЎЧАТЛАР ПАРВАРИШИГА ЕТАРЛИЧА ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛЯПТИМИ?

**Нурафшон шаҳрида “Яшил макон” ва “Яшил замин” лойиҳалари доирасида экилган кўчатларни парваришлаш борасидаги вазифалар қай даражада бажарилаётганига бағишланган амалий семинар ташкил этилди.**



Унда туман-шаҳарларда фаолият юритаётган ободонлаштириш ходимлари, ҳудудий экология бўлимлари масъуллари, агроинспекция мутахассислари қатнашишди.

Вилоят ҳокимлиги вакиллари, Ўрмон хўжалиги агентлиги, Табиат ресурслари вазирлиги Яшил макон умуммиллий лойиҳасини такомиллаштириш ва мониторинг бошқармаси мутахассислари қатнашган тадбирда асосий эътибор жойларда экилган манзарали дарахт кўчатларига тегишли тартибда зарур агротехник тадбирларни вақтида амалга оширишга қаратилди.

Қайд этилганидек, сўнгги пайтларда экилган кўчатларни парваришлашга бириктирилган ходимлар ишда сусткашликка йўл қўяётгани, етарлича сув ва ўғитлар билан таъминланмаётгани дарахтларнинг қуриб қолишига олиб келяпти. Айниқса, бу йилги қиш мавсумидаги аномал совуқ туфайли кўплаб ёш ниҳоллар нобуд бўлди.

Семинарда мутахассислар томонидан ҳудудлар иқлимига мос манзарали дарахт кўчатларини экиш, шаҳарлар инфратузилмасини ривожлантиришда яшил майдонларни кенгайтириш бўйича зарур тавсиялар берилди. Шунингдек, Нурафшон шаҳри марказидаги амфитеатр атрофида ташкил этилган янги боғдаги кўчатларнинг ҳолати кўздан кечирилди.

**Тошкент вилояти ҳокимлиги**
**Ахборот хизмати**

---

Ҳаётий ҳақиқатлар

# “ҚОРА БОЗОР”ДАН ҚАППАЙГАН ЧЎНТАКлар

**Республикада, умуман олганда, жаҳон миқёсида доллар – кенг тарқалган ва эҳтиёж энг катта бўлган валюта мақомини сақлаб келмоқда. Талаб бор жойда, табиийки, таклиф ҳам, унинг ортидан эса, қора схемалар ҳам бўлади. Шу боис, анча йиллар олдин энг катта коррупция ҳам мана шу – Америка валютаси атрофида кечганини мисол тарзида келтириш мумкин.**




## *Валюта ислоҳоти:* кеча ва бугун

Бир эсласангиз, ўша даврда одамлар учун долларни банкдан эркин сотиб олиш – эртакдек гап бўлиб, бунинг учун мажбуран “қора бозор”га мурожаат қилинарди. Табиийки, ноқонуний валютафурушлар ҳам оддий фуқарога долларни давлат курсидан икки-уч баробар қиммат нархда пуллар эди. Банк томонидан ўрнатилган (пасайтирилган) курс эса “тепа”даги маълум бир амалдорлар “чўнтаги” учун хизмат қилиб, улар бундан яхшигина даромад ҳам кўришган.

2017 йилдан бошлаб иқтисодий соҳада амалга оширилган энг улкан, айтиш мумкин бўлса, “инқилобий қадам” – миллий валюта курсини чет эл валютасига бўлган талаб ва таклифга асосан белгилаш механизми жорий қилингани бўлди. Шунингдек, аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари томонидан чет эл валюталарининг сотилиши, сотиб олиниши ва тасарруф қилиниши борасидаги аввал мавжуд бўлган чекловлар бекор қилинди, тадбиркорлик субъектлари ва аҳоли учун кўплаб қулайликлар яратилди. Бу ўзбек сўмининг ягона курси шаклланишига олиб келиб, корхоналарнинг халқаро миқёсдаги фаолиятини осонлаштирди.

2018 йилда – жисмоний шахслар томонидан халқаро тўлов карталарига сотиб олинган хорижий валютани нақд шаклда ечиб олиш механизми йўлга қўйилди. Ўша йили Марказий банк бошқаруви Молиявий оммабоплик алянсига (Alliance for Financial Inclusion) аъзо бўлиш тўғрисидаги қарорни қабул қилди ва қатор ислоҳотларни амалга оширди.

2019 йилда – халқаро тажриба асосида ишлаб чиқилган “Валютани тартибга солиш тўғрисида”ги қонун янги таҳрирда қабул қилинди.

Банк сектори эркинлаштирилди, соғлом рақобат муҳити шакллантирилди ва 2025 йилгача олтита давлат банкини хусусийлаштириш вазифаси қўйилди. Бугунги кунда хусусан, “Ипотека-банк”даги давлат улушининг 75 фоизи Венгриянинг ОТР банкига сотилди.

Натижалар эса ўзини кўп куттиргани йўқ. Биргина инфляция даражасининг ўзи: 2019 йилда – 15,2 фоиз, 2020 йилда – 11,1, 2021 йилда эса – 10 фоизни ташкил этди. Ўтган йиллар ичида масофадан туриб, банк хизматларидан фойдаланувчилар сони 15 марта, кредит қўйилмалари – 7,4, банк активлари – 6,6, жалб қилинган депозитлар ҳажми эса – 5,8 маротаба ошди.

Дарвоқе, аҳоли учун барча турдаги пенсиялар ва олис туманлардаги бюджет ташкилотлари ходимларига иш ҳақи тўлаш, ижтимоий тўловлар ҳеч қандай чекловларсиз тўлиқ ҳажмда нақд пул шаклида амалга оширилиши жорий этилгани ҳам – пул-кредит соҳасидаги ҳозир тилга олинган ислоҳотлар маҳсули ҳисобланади.

Бир сўз билан айтганда, қатор йиллар давомида – “амалга ошириш буткул имконсиз” ҳисобланган, жорий этишга чўчилган, “ҳали тайёр эмасмиз”, дея сунъий ваҳима кўтарилган, аслида эса – бир ҳовуч одамларнинг манфаати ва “чўнтаги” учун ишлаб келган тизим парчаланиб, дадил равишда қўл урилган валюта ислоҳотлари – иқтисодиётимиз учун сув билан ҳаводек зарур бўлган қадам экани амалда исботланди.

**Эрали НОРБЕКОВ**
**/Тошкент ҳақиқати/**

Музейлар фаолиятидан



# ТАРИХдан сўзловчи маскан





**Оққўрғонликларнинг фахрланадиган масканларидан бири "Тарих ва ўлкашунослик музейи"дир.**

Ушбу музей бундан ярим аср муқаддам ташкил этилган бўлиб, Вазирлар Маҳкамасининг "2017-2027 йилларда Давлат музейлари фаолиятини такомиллаштириш ва моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастурини тасдиқлаш тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида 2020 йилда тўлиқ қайта бунёд этилди, атрофи ободонлаштирилди. Бугун музей ёшу қарининг кўзини қувнатадиган, маънавиятини бойитадиган масканга айланди.

Музейнинг 6 та бўлимига туман тарихига оид олти мингдан ортиқ экспонатлар жойланган. Айниқса, "Шон-шараф" бўлими доим гавжум. Бу бўлимда Иккинчи жаҳон урушида иштирок этиб, қаҳрамонликлар кўрсатган оққўрғонликларнинг мингдан зиёд экспонатлари сақланади. Бу экспонатларни асосан туман аҳолиси йиғиб беришган. Улар ота-боболарининг орден, медаль, нишонлари, тарихий ҳужжатлар ҳамда турли либосларни музейга тортиқ қилишган. Бугунги кунда музей экспонатга бойлиги билан нафақат вилоятимиз, балки республика ва ҳатто хорижлик сайёҳлар эътирофига ҳам сазовор бўлмоқда.

Албатта, туманимиз тарихи ва маданиятидан сўзловчи музей экспонантларини сақлаш ва кўпайтириш мақсадидаги саъй-ҳаракатлар тўхтагани йўқ.

Шунингдек, музей мажмуаси ҳудудидаги Мотамсаро она ҳайкали ва Мангулик қўрғонидаги пештахталардаги лавҳаларда Иккинчи жаҳон уруши жанггоҳларида мардонавор курашган ота-боболаримизнинг исми-шарифи қайд этилган.

Маълумотларга кўра, Оққўрғон туманидан урушга 3 минг 443 нафар йигит кетган. Пешлавҳада номлари зикр этилганларнинг авлодлари бугун ота-боболари номини фахр билан ёдга оладилар.

**Алишер ҚУРБОНОВ,**
**музей директори**

## Дур доналар

**Одамлар ортингдан эргашишини истасанг, уларнинг ортидан юр!**

* * *

**Ягона ва энг мудҳиш хато аввалги хатоларни тузатмасликдир.**

* * *

**Фалсафанинг фойдаси шундаки, у ҳар қандай одам билан сўзлаша олиш имконини беради.**

* * *

**Тинглаш ва сукут сақлаш сизни донишмандликка етаклайди. Сукут – донишмандликнинг бошланиши.**

* * *

**Булут эътиқодсиз бўлганидан, шамол уни хоҳлаган томонига олиб кетади.**

* * *

**Ўтган кун ҳақидаги: "Мен уни қандай ўтказдим, нималар қилдиму, нималарга улгура олмадим?", деган саволларга жавоб топилмагунча кўзларингиз уйқуга кетмасин.**

* * *

**Ақл кириши учун ақл тиши чиқишини кутиб ўтириш шарт эмас.**



## СПОРТ янгиликлари

### Илк раундда нокаут

**Тошкентдаги "Ҳумо арена" спорт саройида бокс бўйича давом этаётган жаҳон чемпионатида ҳамюртларимиз муваффақиятли иштирок этишмоқда.**

Хусусан, -63,5 кг. вазн тоифасида Тошкент вилояти ўғлони Руслан Абдуллаев испаниялик Оер Ибарречега қарши рингга кўтарилиб, рақибини биринчи раунддаёқ техник нокаутга учратди ва муддатидан аввал ғалаба қозонди.

Руслан навбатдаги босқичда Мавритания вакили Луис Колин билан тўқнашади. Колин ўтган босқичда қозоғистонлик чарм қўлқоп устаси Санатали Толтабаевни мағлуб этди.

### 33 йиллик танаффусдан сўнг



**Футбол бўйича Италия А Сериясининг 33-тур учрашувлари якунланди. Мазкур тур доирасида Неаполь шаҳрининг "Наполи" жамоаси сафарда "Удинезе"га қарши майдонга чиқди.**

Қизиқарли кечган баҳс 1:1 ҳисобидаги дуранг натижа билан якунланди. Бу ўйиндан сўнг неаполликлар ҳисобидаги очколар сони 80 тага етди ва улар таъқибчиси "Лацио" клубидан 16 очкога ўзиб кетган ҳолда чемпионат тугашига 5 тур қолганида чемпионлик масаласини ҳал қилишди.

Шу тариқа, "Наполи" 33 йиллик танаффусдан сўнг яна чемпион бўлди.

### Терма жамоамиз иккинчи

**Қозоғистоннинг Атирау шаҳрида самбо бўйича Осиё очиқ кубоги бўлиб ўтди.**




Турнирнинг иккинчи кунида юртимиз самбочилари 2 та олтин ва 1 та кумуш медалларни қўлга киритишди:

Терма жамоамиз сафида -64 кг. вазн тоифасида Имронбек Хаджибеков, -79 кг. вазнда Тарас Бучинцев олтин, -53 кг. вазнли Гамзат Махсетбаев эса кумуш медаль соҳиби бўлишди.

Дастлабки кунги беллашувларда самбочиларимиз 1 та кумуш ва 2 та бронза медалига эга чиқишган эди.

Шу тариқа, Ўзбекистон терма жамоаси 10 та мамлакат самбочилари иштирок этган мусобақани иккинчи ўринда якунлади.

**Сухробжон САДИРОВ**
**/Тошкент ҳақиқати/ тайёрлади**

## Эгизак гаплар ёки шамол тегмаган ҲАНГОМА

*(Давоми. Бошланиши ўтган сонларда)*

Бир хил одамлар тўғрисида "гап ютади", дейишади. Бошқа бировларни "гап қудуқ" деб атайдилар. Лекин одамнинг қанча гап ютиши ҳисобланмаган. "Гап қудуқ" одамнинг ичига қанча гап сиғдира олиши ҳам исботланмаган. Лекин уларнинг гап ютадиган омбори ҳам, гап қудуғи ҳам жуда чуқур, жуда кенг бўлса керак. Аслида бундай фазилатларга эга олган йилларда қаттол қонхўр Т.Гдлян 5-6 кишини ҳибсга олиш учун Хоразмга борган экан. Лекин у бир ҳафта қолиб кетибди. Қайтишда 92 нафар одамни қўлига кишан солиб, олиб келган. Ана сизга сотқинликнинг оқибати. Бундай ачинарли, ҳатто ёзиш ҳам оғир бўлган мисолларни ҳар бир вилоятдан, тумандан, қишлоқ ва маҳалладан истаганча кел- одамлар олижаноб бўлишади. "Гап сотар" дейишларидан кўра, уларга "гап ютар" деган ном ёқса керак. "Гап ариқ" дейишдан "гап қудуқ" маъқул бўлса ажаб эмас. Ҳар қалай қудуқдан гап чиқиши қийин. "Гап ҳовуз"га ҳам ишонса бўлади.

Ҳаётда гап сотадиган, гапга сотиладиган, гапни сотиб оладиган харидорлар ҳам етарли. Лекин бундай кимсалар асло барака топмайди. Гап сотиб, обрў олган одамни кўрмадик. Гап қўй ёки мол эмаски, дарҳол бўйнига ип солиб, гап бозорга олиб борсанг. Масалан, ҳўкиз гап зўрға пишиллаб нафас олади. Сигир гапнинг елини сутга тўла. Қўчқор гапнинг кўзи маъраётган қўй гапда. Бозорнинг четида яхши гапни кўпкарига олиб чиқиш мақсадида от гап савлат тўкиб турибди. Ёнида той гап ҳам бор. Мол гапдан эҳтиёт бўлинг!

Характеримизда гап сотиш, гапга сотилиш, оддий, содда одамлардан гап олиш ва бу олган ўлжа гапларни керакли одамларга, керакли жойларга тезроқ етказиш, аниқроғи, сотиш тажрибаси анча ривожланган. Бундай андишасиз ишларни бир зумда боплаймиз. Энг ёмони эшитамиз-у, дарҳол сотамиз. Ўйлаб ҳам, маслаҳатлашиб ҳам ўтирмаймиз. Тез сотамиз. Негадир доимо биринчи бўлиб сотгимиз келади.

Бу ярамас сотқинлик иллати қонимизда қачон пайдо бўлганини ҳеч ким билмайди. Бир олим акамиз айтиб берган аянчли воқеа ёдимга тушди. "Ўзбеклар иши" авж тириш мумкин. Бу ярамас иллат ҳозир йўқолиб кетган, деб ўйлаган одам хато қилади. Ўзбек бор экан, бу иллат йўқолмаса керак. Гапни қисқа қилиб, айтмоқчиманки: гап сотиш ҳам, гапга сотилиш ҳам, гап олиб сотиш ҳам қандай шаклда бўлишидан қатъи назар, сотқинлик ҳисобланади. Устоз Неъмат Аминов айтганларидек: "Сотқинлар барака топмайди". Ўлсин, сотқин гап!..

Икки оғиз "гап ташувчи"лар ҳақида гап. Гапираётганда кўзлари жовдираб, тўрт томонга қараб, олазарак бўлаверадиган одам билингки, гап ташувчи бўлади. Бундайлар ҳам сотқин сингари хавфли ҳисобланади. Уларнинг олдида тезкор почта хизмати ҳам бекор. Ҳозир қўл телефони чиқиб, гап ташувчиларнинг ишлари енгиллашди. Гап ташувчилик иллати юраги тор, эшитган гапини дарҳол бировга ёки эгасига етказмаса тарс ёрилиб кетадиган одамларнинг жонига телефонлар катта хизмат қилаётир.

**Ашурали ЖЎРАЕВ**
*(Давоми бор)*




Станислав СТРАТИЕВ

## Шахсий фикрим қани?
## (ҳажвия)

Эрталаб Петров бир қултум қаҳвасини ичди-ю, хотинининг пешонасидан ўпиб, ишга отланмоқчи бўлиб, остонага етганда ҳаяллаб, чўнтакларини кавлаштира бошлади.

– Нимангни излаяпсан? – деди хотини.

– Фикрим... менинг фикрим... топилмаяпти, – деди Петров кийимларини пайпаслаб, киссаларини кавлашда давом этаркан. – Қаёққа тиқдим экан-а!

– Анови чўнтагингдаги шалвираб турган нима?

– Дастрўмолчам, – минғирлади Петров. – Фикрим қаёққа даф бўлдийкин-а?

У барча чўнтакларини ағдариб кўрди, портфелини титкилади, кийимларини қоқиштириб кўрди – тополмади.

– Йўқ, – деди у хотинига. – Сен билмайсанми, қаёққа ғойиб бўлганикин?

– Яхшиси, ҳовлиқмасдан, астойдил излаб кўр.

Петров яна чўнтакларини бирин-кетин кавлашга тушди. Афсуски, ҳеч қаерда унинг шахсий фикри йўқ эди.

– Шошмай тур-чи, – дея хотини пешонасини тириштирди. – Охирги марта сен уни ўтган йили, январь ойида эслагандек бўлувдинг, шекилли. Корхонангда йиллик режа тасдиқланадиган куни-чи?

– Йўқ, хотин, адашяпсан. Мен ҳали ақлдан озганим йўқки, йиллик режа муҳокамасига шахсий фикрим билан борсам!..

– Ҳмм... Ҳа, айтмоқчи! Кейин вазирликка чақиришувди-ку? Эҳтимол, фикрингни ўшанда обкетган бўлма тағин?

– Нималар деяпсан, хотин? Вазирликка ким ҳам ўз фикри билан боради, а? Шундай нуфузли жойда, одатда, ўзгаларнинг фикрига қўшиласан, бас! Йўқ, у гал фикримни обкетмаганман.

– Унда қаёққа гумдон бўлади? Аслида бормиди ўзи?



– Бор эди, бор эди, мана, энди йўқ.

– Ёпирай! Савил қолгур фикринг қайси кавакка кириб кетдийкин, а?

Хотини чуқур ўйга толди. Эри сўнгги пайтларда қаерларга борувди, ўзи билан ўз фикрини қачон обкетувди?

– О, топдим! – деб қийқириб юборди хотини. – Эсингдами, Бош директорингга тишини қайраб юрган Симёнов деган шартаки ходимларинг бор эди-ку, ўшани ишдан бўшатадиган кун эсингдами? Фикрингни ўша кунги мажлисга обкетгансан. Ёдингга тушдими?

– Ёдимда, – деди Петров бамайлихотир. – Лекин ўшанда биздан мажлис қарорини қўллаб-қувватлашгина сўралган, холос. Шахсий фикр ҳеч кимни қизиқтирмаган.

Хотини жавонни очиб кўрди.

– Балки сен уни муҳим ҳужжатларинг сақланадиган ғаладонга солиб қўйгандирсан?

– Қўйгандим. Сўнг бир марта олиш учун очиб... олдимми ё яна солиб қўйдимми, эсимда йўқ.

– Менга қара, шу тобда шахсий фикринг нега керак бўп қолди? Нега ёпишиб олдинг? Ахир, ишга кетяпсан-ку? Сўраб қолсалар, "уйда қопти", деб айтарсан-да.

– Хўп, айтарман. Мабодо, уни мутлақо йўқотиб қўйган бўлсам-чи?

– Қиёмат қўпмас! Ўшасиз ҳам бинойидек яшаб келяпсан-ку!

– Тўғрику-я... Ҳар ҳолда, доим унингсиз яшаш ҳам яхшимас. Бирор нозик жойда керак бўп қолса, нима деган одам бўламан?

– Керак бўлмайди-ёв...

– Йўқ, ҳар ҳолда, ҳар ҳолда... Бирор жойда бордир у? Ҳеч бўлмаса, бир қур қараб кўрайлик-чи!..

Хотини шиддат билан кийим-кечак, кўрпа-тўшакларни ағдаришга тушиб кетди...

– Мана у! – деди хотини терларини арта-арта. – Сен уни эски пальтоингнинг чўнтагида қолдирибсан. Бу пальтони, биласанми, икки йил олдин чиқитга чиқариб ташловдинг.

– Тўппа-тўғри, шахсий фикрим! – қувониб кетди Петров. – Икки йил олдин опчиққан эканман-у, яна ўша жойида паққос унутиб қолдирибман-а?

– Мен пальтони ювишга топширворгандим-ов. Бу ёққа ол-чи, кир мошинда фикринг ивиб, титилиб кетмадимикин? – Шундай деб хотини айлантириб-айлантириб, силкиб-силкиб, пуфлаб-пуфлаб эрига фикрини қайтариб берди. – Йўқ, жин ҳам урмабди. Аксинча, худди янгидек.

– Албатта-да, мен ундан деярли фойдаланмадим, ахир.

– Тўғри қиласан. Менам пальтоингни болахонага чиқариб ташламоқчийдим. Барибир киймайсан-ку!

– Менда янгиси бор-ку. Почапўстин.

– Энди фикрингни бошқа, кўринарли жойга қўй. Қутичагами, ҳужжатларингнинг орасигами? Яхшиси, энг ишончлиси – омонат дафтарчангнинг қатига жойлаб қўя қолганинг дуруст.

– Шундай қиламан!

Петров шахсий фикрини дафтарча қатига жойлади-ю, хотинининг пешонасидан ўпиб, мамнун ҳолда эшикдан чиқди.

**Русчадан Аҳмад ОҚНАЗАРОВ таржимаси**




TOSHKENT HAQIQATI
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Muassis:
TOSHKENT VILOYATI HOKIMLIGI



"Toshkent haqiqati" va "Tashkentskaya pravda" gazetalari tahrir hay'ati:

Zoyir MIRZAYEV
(tahrir hay'ati raisi)
Ummat MIRZAQULOV
Hotamjon SAYDAHMEDOV
G'afurjon MUHAMEDOV
Shavkatjon RAHIMOV
Tohir ARIPOV
Ravshan RAIMOV
Mahmud TOIR
Uskenboy ATEMOV
Abdulla XURSANOV
Mahmudjon BOLTABOYEV
Kumush EGAMBERDIYEVA
Olimjon BEGALIYEV
Zarifa ERALIYEVA
Sergey MUTIN

Bosh muharrir:
G'ayrat SHERALIYEV

Qabulxona:
(55) 520-64-95
Bosh muharrir o'rinbosari:
(55) 520-04-10
Mas'ul kotib:
(55) 520-05-10
Bo'lim muharrirlari:
(55) 520-06-20, (55) 520-04-20
E'lonlar va hisob-kitob bo'limi:
(55) 520-21-20
e-mail: toshkenthaqiqati@umail.uz

Navbatchi muharrir:
Erali NORBEKOV
Mas'ul kotib:
Alloma AZIZOVA
Navbatchi:
Javlon HALILOV

Bosishga topshirish vaqti - 21.00.
Bosishga topshirildi - 21.30
Nashr ko'rsatkichi - 205.
Buyurtma G-531.
7 769 nusxada chop etildi.
Hajmi - 2 taboq. Ofset usulida bosildi. Qog'oz bichimi A–2.
Bahosi kelishilgan narxda.

Toshkent viloyati Axborot va ommaviy kommunikatsiyalar boshqarmasida 2011-yil 12-yanvarda 03-001 raqami bilan ro'yxatga olingan.

Manzilimiz:
111500, Nurafshon shahri, Toshkent yo'li ko'chasi, 90. Toshkent shahridagi ofisimiz: Bektemir tumani, Ittifoq ko'chasi, 2.
ISSN 2010-9318.

Gazeta «Toshkent haqiqati» tahririyati kompyuter markazida terildi va Tohir Mahmudxo'jayev tomonidan sahifalandi.

Haftaning chorshanba va shanba kunlari chiqadi.

«SHARQ» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida bosildi. Korxona manzili: Toshkent shahri, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

1 2 3 4 5 6